



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОИЛАВИЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХУДУДИЙ КООПЕРАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич¹, Аллаяров Шерали

Шамшиевич²

¹Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали, ²Мустақил
тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5716538>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 05- Noyabr 2021
Ma'qullandi: 10- Noyabr 2021
Chop etildi: 15- Noyabr 2021

KALIT SO'ZLAR

оила, оилавий
хўжаликлар, қишлоқ
хўжалиги, фермер
хўжалиги,
тадбиркорлик.

ANNOTATSIYA

Мақолада, Қорақалпоғистон Республикаси аграр иқтисодиётда оилавий хўжаликлар аҳамияти ва ролини оширишдаги асосий йўналишлардан бири улар иштирокида турли шакллардаги кооперация тузилмалари ташкил этиш эканлигини таъкидлаган ҳолда, бу борадаги илмий адабиётлар ва хорижий тажрибаларга асосланган хулосалар баён этилган.

Кириш.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришдан то истеъмолчига қадар бир мажмуа, яхлит иқтисодий занжир кўринишида, яъни “маҳсулот ишлаб чиқариш – хизмат кўрсатиш – таъминот – сақлаш – тайёрлаш – қайта ишлаш – сотиш” каби фаолият юритувчи ўзаро бир-бирига боғлиқ хўжалик субъектлари ўртасида ихтиёрий ва кўнгилли равишда, кооперация асосида ҳамкорлик муносабатларини самарали йўлга қўйилган.

Тадқиқотларимиз давомида Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар умумий ҳажмидаги улушидан келиб

чиқиб, оилавий хўжаликларнинг асосий муаммоларини тадқиқ этганимизда, мазкур муаммоларнинг аксарият қисмининг ечими фақатгина кооперация алоқалари орқали, агротижорат вакилларининг ўзаро интеграциясини ривожлантириш зарурияти билан боғлиқлиги аён бўлмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон шароитида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра адабиётларни таҳлил этадиган бўлсак, бу ўринда тадқиқотчилар Мўминов Б.О. ва Сапаров А.Б.ларнинг фикрига таянган ҳолда кооперациялашув ҳамда тармоқ кластерларини аграр соҳада жорий



этилиши ихтисослашишнинг чуқурлашуви ва мужассамлашувнинг ривожланиши мамлакат ҳудудлари бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш шароитида механизация воситаларини кенг қўллашга, тармоқни босқичма-босқич кимёлаштириш ва интенсивлаштиришга, яъни, бевосита модернизациялашга ижобий таъсирини кўрсатиши ҳақидаги фикрларини давр талабига мослигини таъкидлаш мумкин.¹

Чунки, аҳоли оилавий хўжаликларини бирлаштиришнинг самарали механизмлари тўлиқ шаклланмаганлиги сабабли, уларнинг фаолияти тарқоқлигича қолмоқда. Бу эса уларнинг салоҳиятини тўлароқ юзага чиқариш ва ривожланишига тўсқинлик қилмоқда ҳамда ҳудуд, мамлакат даражасидаги қўшилган қиймат занжирларига бирлашиш имконини чекламоқда.

Ишлаб чиқариш кооперативларининг истеъмол кооперативларидан асосий фарқлари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш кооперацияси тижорат, тадбиркорлик ташкилоти, истеъмол кооперативлари эса нотижорат ташкилот, яъни, маълум бир мақсадларда ҳаракатларни ўзаро бирлаштириштиришдир;

- ишлаб чиқариш кооперативлари фақат фуқаролар томонидан ташкил этилиб, юридик шахслар уларга ассоциалашган аъзо бўлиб иштирок этишлари мумкин;

- истеъмол кооперативларининг эса аъзолари бўлиб жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин;

- ишлаб чиқариш кооперативида аъзоларнинг шахси меҳнати билан иштирок этиши кўзда тутилади, истеъмол кооперативида эса бундай эмас, яъни, кооператив аъзолиги меҳнат фаолиятидан холидир.

Жаҳон амалиётида ўз аъзоларига хизмат кўрсатувчи, қишлоқ хўжалик кооперативлари кўпчиликни ташкил этади. Кўпчилик олимларнинг фикрича қишлоқ ҳудудлари учун энг қулай кооператив тури бу ишлаб чиқариш кооперативидир. Бу фикрини тасдиғи сифатида қуйидаги важларни кўрсатиш мумкин:

- кооператив аъзоси унда меҳнат қилиши керак (бандлик) ва пай улушини киритиши иштирокчига ишга жойлашишни кафолатлайди. Меҳнат жамоаси эса ишлаб чиқариш кооперативининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини тасдиқлаш баробарида аъзоларини иш билан таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бу ҳолат маълум даражада қишлоқдаги ижтимоий муҳитни мувозанатлаштиради, бу айниқса, олис ҳудудлардаги қишлоқларда янада муҳим аҳамият касб этади;

- иккинчидан, кооператив раҳбарияти демократик тарзда сайланади ва зарурият туғилган ҳолларда уларни бамаслаҳат алмаштириш мумкин, бошқа жамоа

¹ Мўминов Б.О., Сапаров А.Б. Агрокластерларнинг жорий этилиши – ихтисослаштириш ва жойлаштиришнинг муҳим омилидир. «SCIENTIFIC PROGRESS» Scientific Journal ISSN:



шаклидаги хўжалик субъектларида бу бир мунча қийин масала;

- учинчидан, кооперативда унинг аъзолари кооперативдан чиқиш пайтида ўзлари қўшган пай улушларини қайтариб олиш ҳуқуқига эгадирлар;

- тўртинчидан, кооператив фойдаси асосан меҳнатга кўра ва қисман (30 фоизгача) пай улушлар бўйича тақсимланади;

- бешинчидан, кооператив аъзоларининг сони чекланмаган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативлари – хўжалик юриишнинг ижтимоий ва меҳнат шакли бўлиб, у ўз аъзоларининг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Унда қишлоқ аҳолисининг анчагина қисмининг бандлигини таъминлаш мумкин. Кооперативлар қишлоқда ижтимоий соҳа объектларига эга бўлиб, қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритувчи ўз аъзоларининг озуқа, транспорт, ёқилғи ва бошқа ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондиради.

Савдо кооперативи – юридик мақомга эга бўлиб, мустақил равишда воситачилик қилиш, сотиб олиш, ижарага олиш, сотиш, мол-мулк алмашиш, шартнома тузиш каби товар-пул муносабатларида мустақил иштирок эта оладиган тузилма бўлиб, юридик ташкилот сифатида ташкилий бирликка, мулкый ва судда мустақил иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Савдо кооперативининг асосий вазифаси ўз иштирокчиларининг

индивидуал хўжалик фаолияти самарадорлигини маълум хизматлар билан оширишга хизмат қилишдир. Савдо кооперативи қуйидаги хизматларни амалга ошириши мумкин:

- бозорни ўрганиш;

- аъзоларига бозор конъюнктураси ҳақида маълумот тақдим этиши;

- иштирокчилари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш бўйича дастлабки музокаралар олиб бориши ва шартнома тузиши;

- маҳсулот баҳосини келишиши;

- реклама фаолиятини амалга ошириши;

- маҳсулотни сотишига тайёрлаш ишларини (бирламчи ишлов бериш, қадоқлаш в.х.к.) бажариши;

- маҳсулотларни сақлаши ва ташиши;

- маҳсулот сотиши;

- сотилган маҳсулотлар учун тўловларни амалга ошириши.

Айниқса, марказий бозорларда олис манзилларда жойлашган ва экспортга маҳсулот чиқарувчи оилавий хўжаликлар фаолиятининг кенгайиб, ўз истеъмол эҳтиёжлари доирасидан чиқиб, товарлилик даражасининг ортиши, ҳатто, оилавий хўжаликларнинг янада ривожланиб юқорироқ босқичдаги хўжалик субъектларига трансформациялашувига кооператив алоқаларининг ижобий таъсири жаҳон амалиётида исботланган².

² Папцов А.Г. Современные направления развития сельскохозяйственной кооперации в экономически развитых странах // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2010. № 3. С. 79–82.

Узун В.Я. Роль семейных ферм и сельскохозяйственной кооперации в России и

США // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 1999. № 5. С. 45–49..

Антонов М.Г. Опыт интеграции личных подсобных хозяйств с общественным производством сельхозпредприятий // Экономика сельскохозяйственных и



Айни вақтда, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан фарқли равишда фақатгина Қорақалпоғистон шароитида бундай коопреативлар нисбатан кенгроқ кўламда фаолият юрита бошлаганлиги ҳам ушбу ҳудудда бундай тадбирларнинг объектив зарурият эканлигининг исботидир.

Ҳозирги вақтда Республика бўйича 45 та шундай кооперативлар фаолият юритмоқда.

Хулоса. Юқоридаги адабий манбаларни ўрганиш ва уни Қорақалпоғистон Республикаси шароитига нисбатан таққослаб тадқиқ этган ҳолда бундай агрокооперативлар ташкил этишнинг зарурияти қуйидаги сабабларга кўра вужудга келган ҳисоблаймиз:

1. Мамлакатда содир бўлган иқтисодий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишнинг аввалги вертикал тизими бузилиб, янгидан вужудга келмаганлиги оқибатида маҳсулотни сотишда жиддий муаммолар пайдо бўлиб, маҳсулотни сотиш ва қайта ишловчиларга кичик ишлаб чиқарувчиларнинг мажбурий равишда паст баҳоларга сотишга мажбур бўлиши ва бу нархлар диспаритетининг кучайиши;

2. Оилавий хўжаликлар тўлов қобилиятининг пасайиб, қишлоқларда

ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура яроқсизланиб, янгидан барпо этилмаганлиги оқибатида моддий-техник ресурслар таъминотида тақчилликнинг вужудга келиши. Бунда, капитал қўйилмалар учунгина эмас, балки, айланма воситалар учун ҳам молиявий муаммолар мавжудлиги.

3. Янги оилалар ва фаолият юритаётган оилавий хўжаликларнинг тарқоқ, гаров таъминоти ва бошқа банк талабларига жавоб бера олмаслиги сабабли қисқа ва узоқ муддатли кредит маблағларига бўлган кучли эҳтиёжининг кучайиб кетиши. Бунда нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш, балки, маҳсулот ишлаб чиқара олган оилаларнинг ҳам маҳсулотини марказий бозорларга ташиб сотишлари учун молиявий қуввати етишмаслиги.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал этиш, ҳозирда ҳам салмоқли ўрин эгалаб турган оилавий хўжаликларни янада ривожлантириш, мавжуд имкониятларини янада кўпроқ ишга солиш мақсадида оилавий хўжаликларнинг моддий, техник ва молиявий, ҳатто, баъзи ҳолларда интеллектуал имкониятларни бирлаштирган ҳолда истеъмол кооперативлари ташкил этиш орқали амалга ошириш мумкин.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Мўминов Б.О., Сапаров А.Б. Агрокластерларнинг жорий этилиши – ихтисослаштириш ва жойлаштиришнинг муҳим омилidir. «SCIENTIFIC PROGRESS» Scientific Journal ISSN: 2181-1601 // Volume: 1, ISSUE: 2. <http://www.scientificprogress.uz/>



2. Папцов А.Г. Современные направления развития сельскохозяйственной кооперации в экономически развитых странах // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2010. № 3. С. 79–82.
3. Узун В.Я. Роль семейных ферм и сельскохозяйственной кооперации в России и США // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 1999. № 5. С. 45–49..
4. Антонов М.Г. Опыт интеграции личных подсобных хозяйств с общественным производством сельхозпредприятий// Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. -1997, №11. С 44-46.